

А.Т. Кенжабаев и.ф.д., проф., ТМИ  
Д.Р. Мамасоатов, етакчи ўқитувчи,  
Тошкент Банк коллежи

## ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ВА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ: ЮТУҚ ВА ИСТИҚБОЛ

*Развитие сферы связи, информатизации и телекоммуникационных технологий как важного фактора повышения благосостояния народа и экономического роста страны является одним из основных приоритетов государственной политики Узбекистана. Это еще раз подтверждается принятием Постановлением Президента страны от 27 июня 2013 года Комплексной программы развития Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан на период 2013-2020 годы.*

*The development of communication, information and telecommunication technologies as an important factor in improving the welfare of the people and the country's economic growth is one of the main priorities of the state policy of Uzbekistan. This is further confirmed by the adoption of the Resolution of the President of the country on June 27, 2013 the Comprehensive Program of development of national information and communication system of the Republic of Uzbekistan for the period 2013-2020.*

**Калитли сўзлар:** Электрон рақамли имзо, Электрон ҳужжат айланиши, Электрон тижорат, Электрон ҳукумат, Дунё ўргимчак уяси(WWW).

Ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари (АКИТ) давлат ва жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий ривожланишидаги энг муҳим стратегик омиллардан бири ҳисобланади. Ахборотлашган жамият ривожда инсоннинг онгли фаолиятини ахборотлар оқимисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Глобаллашаётган олам ягона ахборот маконига айланаётган бир даврда АКИТ дан фойдаланиш даражаси ва унинг индекси давлатлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов томонидан АКИТни ривожлантиришга мунтазам эътибор қаратилгани туфайли мазкур соҳа жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Сўнгги пайтларда АКИТ соҳасида ўтказилаётган чуқур ислохотлар, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини янада модернизациялаш, интернет тармоғидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишни назарда тутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони, 2005 йил 16 ноябрдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2005 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг жамоат ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги “Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги, 1999 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2002 йил 23 сентябрдаги “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2005 йил 22 ноябрдаги “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2005 йил 28 декабрдаги “Ziynet” ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида”ги, 2006 йил 22 сентябрдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2007 йил 17 декабрдаги “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва кейинги йилларда қабул қилинган мунтазам янгиланиб борилаётган электрон блок ҳисобланган “Электрон рақамли имзо”, “Электрон ҳужжат айланиши”, “Электрон тижорат”, “Электрон ҳукумат” тўғрисида”ги қонунлари амалда жамиятимизни халқаро стандартларга мос равишда ахборотлаштиришга хизмат қилиб, 2013-2020 йилларда мамлакатимиз ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифаларнинг жадал равишда босқичма-босқич амалга оширилишига қулай шарт-шароитлар яратиш келмоқда. Бу ерда шуни яна бир таъкидлаш лозимки, АИКТни шаклланиши ва такомиллашиши эволюцион жараён бўлиб, у мунтазам янгиланиб бориш характерига эга.

Бундай ижобий ҳолат АКИТ соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улушини кўпайтириш ва уни хорижий ҳамда мамлакатимиз сармоядорлари учун янада жозибадор қилиш имконини бериб келмоқда. АКИТни ривожлантириш соҳасига жалб қилинган хорижий сармоялар миқдори сўнгги йилларда 1 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Ушбу тармоқнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиши натижасида охириги беш йиллик давомида мавжуд корхоналар даромади муттасил ошиб бориб, йилига 60-70 фоизни ташкил қилмоқда.

АКИТни бундай суратлар билан ривожланиш даражаси республикамизни электрон ҳукумат сари қадамларини жадаллаштириб, унинг бунга тайёргарлигини ошириб бормоқда.


Республикамиздаги АКИТ тармоғининг ривожланиш даражасига мобиль алоқадан фойдаланишнинг ҳажми ва кўламига қараб ҳам баҳо беришимиз мумкин. Ўзбекистонда мобиль алоқа абонентлари сони йил сайин геометрик прогрессия шаклида ўсиб бормоқда. Интернет хизматлари кундалик ҳаётимизга

шиддат билан кириб, ёшларимиз энг янги ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш борасида бошқа мамалакатлардаги тенгқурларига рақобатлаша оладиган даражадаги билим ва кўникмаларга эга бўлиб бормоқдалар. Бунинг яққол далили сифатида улар ичида ижтимоий тармоқларда рўйхатга олинган фойдаланувчиларнинг кундан-кунга сон ва сифат жиҳатидан ортиб бораётганлигини келтирсак бўлади. Ижтимоий тармоқ ҳисобланган «Одноклассники»га 8 миллиондан ортиқ рўйхатдан ўтган республикамиз фойдаланувчиларидан кунига 2 миллионига яқини ташриф буюриб, уларни асосий таркибини 17 ёшдан 27 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил қилади. Улар томонидан ҳар куни 122 мингта қўшиқ, 315000та турли хилдаги видеофильмлар, 200000 мингта яқин ўйинлар юкланиб олинади [3].

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, барча тармоқлардан фойдаланиш маданияти, фойдаланувчиларнинг савияси, ахборотларни тўғри қабул қилиш ва тарқатиш иммунитетлари ижобий тарзда ёш авлод орасида мустаҳкамланиб бормоқда. Шунинг баробарида, жаҳон ахборот тармоғи, мобиль алоқа тизими, компьютер ўйинлари, видеомаҳсулотлар орқали миллий манфаатларимиз, мафкурамиз, маънавий-ахлоқий қарашларимизга зид, зарарли ғояларга оид ахборотларни қайсиси чин қайсиси ёлғонлигини англай оладиган баркамол авлод етишиб бормоқда.

Жамиятимиз, айниқса ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари қанчалик тўлақонли қондирилса, улар чет эл радиоларига, интернетдаги олди-қочди сайтлардаги ахборотларга беҳуда вақт сарфламайдилар. Ватан ва юрт равнақи манфаатлари йўлида ғоявий қуролланган киши ҳар хил майда-чуйдаларни четлаган ҳолда, ғоявий душманлар томонидан келадиган бузғунчи ахборотларга деярли эътибор бермасдан, ўша ишончсиз ахборот таъсирига тушиб қолмайди. Бундан хулоса шуки, жамиятнинг АКИТ қонун қоидаларига тўлақонли риоя қилиши амалда аҳоли ва айниқса ёшларни бузғунчи ёт ғоялардан ҳимоялашга хизмат қилади.

Маълумки, интернетдан фойдаланиш қулайлиги ва маълумотларни жўнатиш провайдер ва операторларга боғлиқдир. Охирги йилларда республикамизда провайдер ва операторлар сони бир неча бор ошиб бормоқда. 1-расмда кўриб турганингиздек, 2010 йил маълумотига кўра, провайдер ва операторлар сони 933 тани ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Ўрта Осиё давлатлари орасида энг юқори кўрсаткичлардан биридир.



**1-расм. Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони[4].**

Дунё ўргимчак уяси(ини) 24 соатли ёхуд 1 суткали жамиятга айланаётган бир пайтда, бу ўргимчак уяни асалари уясига(инига) менгзлаб ундан она-ватанимиз, халқимиз тараққиётига кўмак берадиган маълумот ва ахборотларни олишга ёшларимизни ўргатиш асосий стратегик мақсадимиз бўлиши шарт.


Шунга қарамасдан глобаллашган ахборот маконида турли тахдидлар мавжуд бўлган ҳозирги шароитда ёшлар учун соғлом ахборот муҳитини яратиш устувор вазифаларимиздан бирига айланиши зарур. Глобаллашув жараёнига ахборот-психологик таъсир ўтказиш, АКИТнинг ёшлар дунёқарашига таъсири, миллий ахборот тизими ва ресурсларини ҳимоя қилиш муаммолари жамиятимиз олдидаги энг муҳим ечимини кутаётган вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳар йили республикамизда давлат даражасида АКИТ бўйича саммит ўтказилиб, бу тадбир соҳа доирасида Ўзбекистон ҳамда яқин ва узоқ хориждаги ўзаро алоқа ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, АКИТга оид энг сўнгги ютуқлар билан танишиш ва унинг тараққиётидаги долзарб масалалар муҳокамасидан манфаатдор бўлган соҳанинг эксперт ҳамда мутахассисларини бир жойга тўплайди.

АКИТнинг ривожланиши халқаро майдонда ва республикамизда учта асосий йўналиш «Давлат секторида АКТ», «Бизнесда АКТ», «Интернет ва ахборот ресурслари» бўйича сифатланиб, бошқарув сиёсатидаги тенденциялар ва асосий ўзгаришлар, тармоқни ривожлантириш миллий дастурларини амалга оширишдаги ютуқ ва муаммолар, жамият ҳаётининг турли йўналишларида АКИТни татбиқ этиш тажрибалари, инфратузилма ривожланиши ва бошқа долзарб масалаларни ўз ичига қамраб олади. Ҳар йили Саммит ишида Ўзбекистон, АҚШ, Жанубий Корея, Россия ва бошқа мамлакатлардан келган 1000га яқин делегатлар қатнашиб, улар орасида БМТ Тараққиёт дастури, Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик, KISA каби халқаро ташкилотлар, Microsoft, Softline International, LG сингари жаҳоннинг етакчи компаниялари мутахассисларининг мавжудлиги Саммитнинг халқаро мавқеи юқори поғонада эканлигидан далолат беради.

Юқоридаги тадбирлар самараси натижасида ҳозирги кунда дунё аҳолисининг ярмидан кўпи, республикамиз аҳолисининг эса ҳар 100 кишига

40 нафар интернет, 70дан ортиқ мобиль алоқа фойдаланувчиси тўғри кела келмоқда ва бу кўрсаткичлар соат сайин ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 1000га яқин провайдер ва операторлар фаолият кўрсатиб, интернет каналининг тезлиги индекси халқаро даражада бўлишлиги таъминланмоқда.

Агар Ўзбекистонда алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича олинган рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу соҳада ўсиш жуда юқори.



2-расм. Ўзбекистонда мобиль алоқа абонентлари сонининг ўсиши[4].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга йўналтирилган бўлиб, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фаолият кўрсатмоқда. Айнан АКИТ тармоғига ўзининг салмоқли инвестицияларини сарфлаш борасида хорижлик ҳамкорларимиздан Япония, Корея, Германия, АҚШ ва Канада давлатлари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бунинг яққол далили сифатида алоқа тармоғимизга қилинган инвестициялар таркибини келтирсак бўлади.

Республикаимиз бўйича 2005-2013 йилларда соҳага жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 34,3 фоизни ташкил қилди[2]. Бу эса Юртбошимиз таъкидлаб ўтган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш каби устувор вазифамизни бажаришга самарали хизмат қилади.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита – электрон шаклда амалга оширмоқда.

2014 йилда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4

миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди.

Юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бошқа соҳаларга нисбатан жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йили эса 24,5 фоизга ўсди.

Иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларининг алоҳида ва муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, 2013 йилда 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди.

Ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар 2014 йилда мамлакатимизда барча автомат телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказишни яқунлаш учун замин яратди.

Аҳоли, жумладан, мамлакатимизнинг олис ҳудудларида яшаётган аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, 2014 йилда юртимизда, хусусан, Қўнғирот, Бойсун, Узун, Мўйноқ каби олис туманларда 2 минг километрдан зиёд оптик толали алоқа тармоқлари барпо этилди.

Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда улар 10 миллион 200 минг кишидан ошди ёки мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этмоқда. Республикаимизда интернетнинг ўтказувчанлик даражаси 4 баробар оширилди, интернетга уланиш тезлиги эса 1,5 марта ортди. Шу билан бирга ундан фойдаланиш нархи 2013 йилга нисбатан 11,6 фоизга камайди.

Ўтган йили 500 дан ортиқ янги базавий мобиль алоқа станциялари ўрнатилиши ҳисобидан алоқанинг ушбу замонавий, юқори технологияларга асосланган тизими абонентлари сони қарийб 20 миллион кишини ташкил этди, уларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми қарийб 26 фоизга кўпайди [1].

Юқорида қайд этилган Президентимизнинг 2014 йил яқунларига бағишланган маърузаларининг мазмун-моҳияти мамлакатимизда АКИТ соҳасини интенсив равишда ривожланишига асосий пойдевор ҳисобланади.

Фикримизча, глобал ахборотлаштириш жараёни жамиятдаги иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий ўзгаришларга салбий ва ижобий томондан бевосита ва билвосита таъсир ўтказиб, хорижий эксперт ва социологлар қарашларича, АКИТга асосланган жамият техника соҳасида-ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, таълим ва маиший ҳаётга бу технологияларнинг кенг жорий этилиши, иқтисодиётда-уларнинг маҳсулотга, ижтимоий ҳаётда-турмуш даражаси ўзгаришига, сиёсий фаолиятда-ахборот алмашилиш жараёнларида турли-хил ахборотларни эркин олишга, маданият борасида замонавий талабларга жавоб берадиган ҳуқуқий меъёрлар ва кадрларнинг шаклланиши орқали тавсифланади. Ҳозирги кунда интернет орқали тарқатилаётган ахборотларнинг 90 фоизга яқини ривожланган давлатлар томонидан амалга оширилиб, мамлакатимиз яқин йиллар ичида ушбу давлатлар қаторига қўшилиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд эканлигин яна бир бор таъкидлаб ўтишимизга

ҳуқуқий жиҳатдан асосларимиз етарли даражададир. Юртбошимиз ўзининг ҳар бир чиқишларида АКИТга юқори баҳо бериб, АКИТга турли хилдаги тўсиқлар қўйиб бўлмаслиги, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида куйиниб, асримиз ахборот- коммуникация ва интернет технологиялари асри эканлигини эсдан чиқармаслигимиз кераклигини қайд қилиб ўтадилар,

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашган дунёда жамият ва ахборот интеграцияси ҳар қандай давлат ривожининг муҳим стратегик омилига айланиб, унда ягона ахборот макони гегемонлик сифатига эга бўлиб, ахборот хуружларининг йўлига тўсиқ қўйиш имконияти мураккаб жараёнлардан бирига айланади. Бунинг учун жамиятимиз ва ёшларимизни АКИТдан фойдаланиш борасидаги мафкуравий иммунитетларини босқичма босқич- муттасил ошириб бормоғимиз кундалик асосий вазифаларимиздан бири бўлмоғи керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси [www.uza.uz/ru/](http://www.uza.uz/ru/). 17.01.2015 й.

2. <http://www.ccitt.uz> (Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси)

3. <http://www.ict.gov.uz> (Компьютер ва ахборот – коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш)

4. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси )